

ЛИНГВОТАЪЛИМШУНОСЛИККА ОИД ТЕРМИНЛАРНИНГ ЯРАТИЛИШИДА АДЕКВАТЛИК ВА НОАДЕКВАТЛИК МУАММОЛАРИ

Ихтиёр Базаров

PhD, ЎзДЖТУ

Аннотация: Мақолада фан соҳасини мукаммал ўрганишида терминологиянинг ўрни ва аҳамияти таъкидланган. Ҳозирги кунда гуманитар фанлар, хусусан, лингвотаълимшунослик соҳасида терминлар тизимидағи ўзгариш ва янгиланиш жараёнлари таҳлил этилади. Ўзбек ва Хорижий олимларнинг фикрлари асосида турли илмий мактаб ва йўналишлар доирасида терминларнинг турлича таърифланиши, баъзи анъанавий терминларнинг шакли ва мазмунидаги ўзгаришлар ҳамда уларнинг истеъмолдан чиқиши жараёни ёритилади.

Калит сўзлар: терминология, гуманитар фанлар, дефиниция, лингвотаълимшунослик, ўзбек тилишунослиги, илмий мактаб, грамматик назария, терминлар эволюцияси, тилишунослик.

Маълумки, ҳар қандай фан соҳасини мукаммал ўрганиш ва ўзлаштириш жараёни унинг терминологиясини пухта эгаллашни тақозо этади. Ҳозирги кунда гуманитар фанлар терминологияси тизимда лингвотаълимшунослик соҳаси терминларининг ривожланиш ва янгиланиш жараёнлари содир бўлмоқда. Бу ҳақда ўзбек тилишунос олими Н.Маҳмудов қўйидаги фикрни билдиради: “Гуманитар фанлар тараққий этиб борар экан янгидан-янги илмий-назарий қарашларнинг юзага келиши ва шу асосда турли йўналишлар, илмий мактабларнинг шаклланиши табиий. Табиийки, бу йўналиш ва мактаблар бир-биридан фарқли терминосистемаларни юзага келтиради, муайян бир термин бу мактабларнинг ўз концепциясига мувофиқ таърифланади, албатта, бунда термин дефиницияси айнан бир хил бўлмайди. Масалан, ўзбек тилишунослигида шаклланган грамматик назарияга кўра, сўз ўзгартирувчи қўшимчалар термини ўрнида *синтактик шакл ясовчилар* термини тургунлашди, *гапнинг бош бўлаклари*, кесим, эга, қўшма гап каби терминларнинг мазмуни ўзгарди, *бир составли гаплар*, *икки составли гаплар*, *кесимсиз гап* каби терминлар истеъмолдан деярли чиқиб бўлди.”

Тадқиқотимизнинг мазкур қисми айнан лингвотаълимшунослик соҳаси терминологик лексемаларининг ўзбекча муқобилларини манба тил асосида қайта яратилишига доир илмий-назарий масалаларини ўрганишга бағишиланади.

Хорижий методикада терминологик маъноли лексемаларнинг аксарият қисми манба тил (инглиз тили) негизида пайдо бўлган ва ушбу анъана ҳанузгача давом этиб келмоқда. Хорижий методикада яратилган терминологик маъноли лексемаларни анъанавий методикада истеъмолга киритиш чоғида даставвал соҳа мутахассислари томонидан уларнинг муқобиллари реципиент тилда аниқланади ва манба тилдаги билан қиёсланади. Уларнинг эквивалентларини реципиент тилда яъни, қабул қилувчи

“O’ZBEKISTONDAGI ILMIY YANGILIKLAR JURNALI”

25-Iyun, 2025-yil

тилда мавжуд бўлмаса, у ҳолда метатил орқали таржима усуллари воситасида қайтадан яратилади. Бунда она тилининг ички имкониятлари асосида терминологик маъноли лексемаларнинг манба тил яъни, инглиз тили негизида ясалиши усуллари назарда тутилади. Бу жараён қиёсий таржима билан боғлиқ ҳолда турли тизимли тиллардаги мавжуд лингвотаълимшунослик йўналишида фаол бўлган терминологик маъноли лексемаларнинг ўзига хос бўлган лингвистик хусусиятларини очиб беради. Таржима жараёнида мазкур терминологик маъноли лексемаларнинг бошқа бирор реципиент (қабул қилувчи) тилда ифода этишнинг янги формаларидан фойдаланилади. Чунки таржимада мазкур терминологик бирликларга оид маънони мумкин қадар сақлаган ҳолда ўзга тилда қайта яратилишидир.

Лингвотаълимшунослик терминларини истеъмолга киритишда ва уларнинг русча ҳамда ўзбекча муқобилларини яратишда қиёсий таҳлил усули муҳим аҳамият касб этади. Шунга кўра, уларнинг маъно жиҳатиларини тавсифлашда эса семантик майдон тушунчаси нуқтаи назаридан ёндашув тақозо этилади.

Соҳага оид инглизча терминологик маъноли лексемаларни русча ва ўзбекча ифодалашда қўйидаги таржима усулларидан фойдаланилади: 1) *калькалаш*; 2) *транслитерация*; 3) *транспозиция*; 4) *модуляция*; 5) *эквивалент таржисма*; 6) *дискриптив таржисма*.

Умуман олганда, тадқиқотимизда калькалаш орқали термин лексемаларни яратиш муҳим ҳисобланади. Тилшунос олим Э.Бегматовнинг фикрича, калькалашда асосан уч хусусият кузатилди: а) ўзга тил иштироки; б) ўз элемент иштироки; в) ўзга тил элементи иштироки. Шунга кўра, биринчи ҳодисанинг моҳияти калькаланувчи материалнинг ўз тили эмас, ўзга тилники эканлигидир. Иккинчи ҳодиса ўзга материалнинг ўзга тил сўзлари билан берилиши (яъни, инглизча ёхуд русча сўзни ўзбек тилидаги аслида арабча, форсча бўлган сўзлар билан калькаланиши).

Калькалаш ҳодисаси ўз моҳиятига кўра сўз ясалиши ҳодисасига яқин туради. Калькалаш воситасида ҳосил бўлган терминологик лексемалар шакл стркутурасига кўра содда, қўшма, бирикма, мураккаб ва турли аббревиатуралар кўринишида бўлиши мумкин. Ўзбек тилида калькалаш орқали ўзбек тилида мазкур соҳа терминларининг ясалиши сермаҳсул ҳисобланади. Бунда қўйидаги икки ҳолатни кузатиш мумкин: 1) *тўлиқ калька*; 2) *яrim калькадан* иборат.

Тўлиқ калькада термин лексеманинг материали тўлиқ ўзгаради: *approach – подход к обучению – таълимга ёндашув, composing – сочинение – ишио, ёзма иши; skill – умение – малака, aims – цели обучения – таълим мақсади, content – таълим мазмуни, curriculum – стандарт – меъёр, objectives – задачи обучения – таълимнинг вазифаси, syllabus – учебная программа – ўқув дастури* кабилар. Бунда ўзлашаётган термин лексемаларларнинг маъносигина сақланиб қолади, инглизча (ёхуд русча) товуш томони тамоман йўқолади.

Баъзан калькалашда содда термин лексемаларнинг бирикма терминларга айланиш ҳолатлари ҳам учрайди. Ярим калькада эса, термин лексемаларнинг товуш томони қисман сақланади, лекин ўзга тилдаги эквивалентларидан узоқлашади:

“O’ZBEKISTONDAGI ILMIY YANGILIKLAR JURNALI”

25-Iyun, 2025-yil

metalanguage – метаязык – метатип, *interactive* – интерактив – интерфаол ва ҳоказо. Ярим калькада, ўзлашаётган термин лексемалар ўзининг маълум тил материали ва структурасини сақлаб қолади.

Башарти тўлиқ калька ўзбек тили материалида яратилган бўлса, у ҳолда ўзбекча термин лексемалар ясалишининг бир тури деб аташ мумкин. Бироқ маъноси ва пайдо бўлиш асосига кўра ўзга тилларнинг таъсири билан боғлиқ. Тадқиқотимизда лингвотаълимшуносликнинг термин лексемаларини ўзбек тилига калькалаш асосан инглиз ва рус тиллари негизида амалга оширилди. Ярим калькада эса, семантик ва қисман тил материалининг асоси мавжуд. Ҳар икки ҳолатда ҳам семантик асос инглиз ва рус тилларидаги термин лексема ва унинг маъноси ҳисобланади.

Кузатишларимзга қараганда, ярим калькалаш усули билан ҳосил бўлган мазкур соҳа терминлогик лексемаларининг миқдори ошиб бораётганлиги боис аста-секинлик билан тилимизга сингиб бормоқда. Шундай қилиб, ушбу жараёнда гибрид термин лексемалар ясалади. Пировардида гибрид (аралаш) термин ясовчи элементлар фаоллашади. Жумладан, қуидагилар ингл. *hyper* – гипер, *meta* – мета, *inter* – интер каби термин ясовчи элементлардан ҳосил бўлган терминлогик лексемалар ҳисобланади. Mac.: *hypertext* – гипертекст – гиперматн, *metadate* – метаданные – метамаълумотлар; *interactive* – интерактивный – интерфаол каби. Хулоса қилиб айтганда, калькалаш орқали лингвотаълимшунослик йўналишидаги термин лексемаларнинг ўзбекча ифодалари ясалмақда ва қўлланилишига кўра фаоллашиб бормоқда.

Шунингдек, лингвотаълимшунослик термин лексемаларнинг ўзбекча вариантиларини яратишда транслитерация усулидан ҳам фойдаланилади. Транслитерация йўли билан таржима қилишда терминнинг семантикаси, структураси ва шакли ўзлаштирилади. Транслитерация йўли ўзлашаётган термин лексемаларнинг маънолари реципиент (сўз ўзлаштирувчи) тилнинг соҳибларига тушунарли бўлиши учун турли контекст ва ситуация (вазият)ларга боғлиқ равишда очиб берилиши тоқазо этилади. Акс ҳолда уларни қўллашда металингвистик хусусият (нотаниш тушунча)га доир англашилмовчилик ёхуд камчиликларга рўбару келиш мумкин.

Хусусан, транслитерация йўли билан рус ҳамда ўзбек тилларига ўзлашган ва ўзлашаётган терминлогик бирликларнинг қўпчилик қисмини терминология амалиётида фаол қўлланилаётган турли хил аббревиатура (қисқартма)лар ташкил этади. Бу каби қисқартма терминлогик лексемалар транслитерация йули билан ўзлашган ва аслига мос, яъни оригиналлиги сақланиб қолган. Mac.: **BE** – Business English, **EAL** – English as an additional language, **EAP** – English for academic purposes, **EFL** – English as a foreign language, **EIL** – English as an international language, **ELF** – English as lingua franca, a common language that is not the mother tongue of any of the participants in a discussion, **ELL** – English language learner, **ELT** – English language teaching, **ESL** – English as second language, **ESP** – English for specific purposes, or English for special purposes (e.g. technical English, scientific English, English for medical professionals, English for waiters) and etc.

Транспозиция йўли билан терминлогик лексемани таржима қилиш деганда,

“O‘ZBEKISTONDAGI ILMIY YANGILIKLAR JURNALI”

25-Iyun, 2025-yil

махсус лексеманинг шакли ва маъноси ўзгармаган ҳолда бир сўз туркумидан бошқа бир сўз туркумига ўтиш демакдир. Инглиз тилида ушбу ҳодиса конверсия деб аталади. Бироқ ўзбек тилида *конверсия* термини ўрнида *бир сўз туркумидан бошқа бир сўз туркумига ўтиши* деган жумла қўлланилади.

Транспозиция усули бир тил доирасида ёки таржима жараёнида қўлланилади. Транспозицияга учраган тилнинг лексик бирлиги(термин ёки сўз) адабий тил меъёрларига хос бўлган хусусиятларга эга бўлади. Ушбу усулда маъноларнинг кесишуви юз беради. Масалан: *comprehensive (adj.) schools* → *comprehensives (N)* – общеобразовательная школа–умумтаълим мактаби; *analyse (V) coursebook (N)* → *coursebook (N) analysis (N)* – анализировать учебника (VN) – анализ учебника (NN) – дарсликни таҳлил қилмоқ (NV) – дарслик таҳлили; (NN); *gap (N) - fill (V)* → *fill (V) – in (Prep.)* – заполнение пропусков (NN) – заполнить пропусков (VN) – нуқталар ўрнини тўлдириши (NNN) – нуқталар ўрнини тўлдирумоқ (NNV) кабилар.

Модуляция терминологик бирликларни таржима қилишда кенг тарқалган усул. Умуман олганда, терминологик лексемаларини модуляция билан таржима қилиш турли шаклларда амалга оширилади. Грачанд, модуляция усулидан фойдаланган ҳолда бирикма терминларни сўзма- сўз ёки транспозиция усули орқали бажарилган таржима грамматик жиҳатидан тўғри бўлсада, бироқ модуляция усули ҳам таржимада семантик майдон нуқтай назардан ёндашувни тақозо этади. Mac.: *analog¹ data² form³* – аналоговая¹ форма³ данных² – маълумотларнинг² аналог¹ шакли³; *second¹ language² acquisition³* – овладение¹ вторым² языком³ – иккинчи¹ тилни² эгаллаш³; *cooperative¹ learning²* – коллективная¹ учебная² деятельность³ – жамоавий¹ ўқув² фаолият³ ва шу кабилар.

Модуляция йўли билан таржима қилишда эркин, аниқ (ўзгармас) ва шартли модуляциялардан фойдаланиш мумкин. Аниқ модуляция деганда расмий ва кенг қўлланиладиган модуляция назарда тутилади. Mac.: *communication or communicative activities* – коммуникативные упражнения или речевые упражнения – коммуникатив машқлар ёки нутқий мулоқат машқлари; *practice activities* – подготовительные упражнения или тренировочные упражнения – тайёрлов машқлари ёки машқ машгулотлари ва ҳакозо.

Эркин модуляцияда ўзгарувчанлик хусусиятининг мавжудлиги сабабли қўлланилишига кўра ҳар сафар турлича кўринишда бўлиши табиий. Ўкувчи эркин модуляция орқали аслиятнинг маъносини англатувчи терминологик бирликнинг таржимадаги мукаммал шакли деб тушунади. Mac.: *fringe methods or alternative methods* – нетрадиционные или альтернативные методы – ноанъанавий ёки альтернатив (танлашни тақозо этувчи) методлар; *communicative approach or communicative method* – коммуникативный подход или коммуникативный метод – коммуникатив (мулоқат қилишини ўргатишига оид) ёндашув ёки коммуникатив ёндашув каби.

Шундай қилиб, эркин модуляцияни луғат ёки грамматикага киритилиши ҳар жиҳатдан уни аниқ (ўзгармас) модуляцияга айналишини доимий ҳодиса сифатида таъминлайди ва шу орқали таржима амалиётида ўрганилиши зарур бўлган тил

“O‘ZBEKISTONDAGI ILMIY YANGILIKLAR JURNALI”

25-Iyun, 2025-yil

бирликларидан бирига айанади. Таъкидлаш жоизки, мобода терминологик бирликларни модуляция усули билан таржима қилишдан воз кечиладиган бўлса, бундай ҳолатни расмий қоидаларга риоя қиласлик деб изоҳлаш мумкин.

Эквивалент таржима усулидан мазкур соҳа терминологик бирликларининг семантик хусусиятларини қиёсий таҳлил этишда фойдаланилди. Эквивалент термини [лот. *aequivalens*, *aequivalentis* – teng, бир хил, баравар] яъни, бирор нарсага тенг ёки бирор жиҳатдан мос келадиган ва унинг ўрнини боса оладиган бошқа нарса деган маънони англатади.

Айнан лингвотаълимшунослик соҳаси терминолгик бирликларининг реципиент тилдаги аналогларини яратишда эквивалент таржима қўл келади. Ушбу усулда реципиент тилда яратилган оригинал терминологик бирликнинг аналоги тахминий эквивалент сифатида соҳага оид бирламчи тушунчани англатишга хизмат қиласди. Эквивалент таржима усулининг камчиликларидан бири ўзга тилдаги муайян бир тушунчани ифодаловчи тил бирлигининг таржима қилинаётган тилдаги аналогини ёхуд унинг ўзга тил маданиятига хос бўлган тушунчаларини тўлиқ равишда қайта яратиш имконияти йўқлиги билан изоҳланади. Mac.: инглиз тилидаги *high school* термин бирикмаси *средняя школа* – *ўрта мактаб* деган таржимаси қабул қилинган бўлсада, аслида эса ушбу тушунча инглизларнинг ижтимоий-маданий қарашларида (9-синфдан то 12-синфгача) “юқори синф ўқувчиларига мўлжалланган мактаб”ни англатади.

Шунингдек, инглиз мутахассислари томонидан биргина *skills* терминининг маъносида *қўникма* (*навык*), *малака* (*умение*) тушунчалари ифодаланади. 1950-1960 йилларнинг оралиғида илмий-методик адабиётларда инглиз методистлари томонидан *habit* термини *навык* – *қўникма* маъносида қўлланилган ва кейинчалик эса истеъолдан чиқарилган.

Хорижий методикада *қўникма* ва *малака* тушунчалари бир-биридан фарқланмайди. Бироқ анъанавий методикада ушбу *қўникма*, *малака* тушунчалари фарқланади. Чунончи, *қўникма* – онгли тарзда бажариладиган чет тилда нутқ *малакасининг автоматлашган маркибий қисми*; *малака* – онг иштирокисиз автоматлашган фаолият турини англатади.

Инглиз методисти К.Жонсон *қўникма* ва *малака* тушунчасини интегралашган таълим жараённида автоматлашган ва автоматлашмаган бу икки фаолият тури, яъни нутқий амалиётнинг асосий ажралмас компоненти сифатида намоён бўлади деб таъкидлайди.

Демак, нутқ малакаси ва *қўникмаси* тушунчалари чамбарчас боғланган ҳолда мавжуд. Нутқ малакасида турли хил *қўникмалар*, турли даражадаги автоматлашган, автоматлаширилган ва автоматлашмаган компонентлар ўзаро интеграллашади.

Хозирги кунда лингвотаълимшунослик соҳасида фаол қўлланилаётган терминологик бирликларнинг эквивалентлик муносабатдаги ўхшашликини қўйидагича изоҳлаш мумкин: 1) соҳа терминологик бирликларининг эквивалентлиги қиёсланаётган тиллардаги маълум бир тушунчага нисбатан мазмунан мос келувчи ёхуд тенг маънони ифодалашига кўра ўхшаш эканлиги; 2) мазмунан ўхшашлик

“O‘ZBEKISTONDAGI ILMIY YANGILIKLAR JURNALI”

25-Iyun, 2025-yil

терминологик бирликларни типологик қиёслаш натижасида умумий семантик ядрога асосланган ҳолда шартли равищдаги тенглаштиришга олиб келади; 3) термин-реалияларга хос тушунчаларнинг таржимадаги аналогларини яратишида лингвомаданий хусусиятларни эътиборга олиш талаб этилади; 4) таржима тилида аслиятдаги ифода воситасининг синтактик қурилишига мос келадиган ифода воситасидан фойдаланиш тақозо этилади.

Дискриптив (тасвирий) таржима усулида терминологик бирликларнинг реципиент тилдаги талқин этилишини кузатиш мумкин. Ушбу усулдан аслиятдаги терминологик бирликларнинг реципиент тил лексикасида уларга тўғри келадиган варианtlари ёки эквиваленти мавжуд бўлмаган ҳолларда, яъни таржима жараёнида ушбу терминологик бирликлар англатган тушунчаларнинг изоҳлашда фойдаланиш зарурати пайдо бўлади. Ушбу усул орқали терминологик бирликларга берилган тасвир ёхуд изоҳлар мазкур бирликларнинг эквивалантлари тарзида намоён бўлади. Mac.: *learner-centred approach* – личностно-ориентированный (личностно-деятельностный) подход основывается на учете индивидуальных особенностей обучаемых – шахсга йўналганлик (шахс фаолиятига қаратилган); ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларига йўналтирилган ёндашув; *classroom management* – управление процессом образования (учение и обучение) и его организации – таълим жараёнини бошқарииш (ўрганиш ва ўргатиш) ва уни ташкиллаштириши; *feedback* – форма организаци педагогическая взаимодействия (замечания, исправления, комментарии) – дарс жараёнига оид ўзаро педагогик муносабатларнинг ташкиллаштириши шакллари (танбеҳлар, тузатишлар, изоҳлар) ва х.к.з

Тасвирий таржима усулида терминологик бирликларни рус ва ўзбек тилларида изоҳлашда тавсифий характердаги жумлаларнинг ошиб бориши, яъни керагидан ортиқ даражада бўлиши юқорида келтирилган мисоллардан ҳам кўриниб турибди. Бу эса тасвирий таржима усулига хос бўлган камчиликлардан биридир.

Тасвирий таржима усулининг бошқа таржима усулларидан афзаллик томони шундаки, ушбу усул терминологик бирликларга хос тушунчаларнинг ўзига хос маъно хусусиятларини кенгроқ ёритиб бериш имкониятига эга бўлади. Умуман олганда, ушбу усул термин ва қўлланилишига қўйилган талабларга ҳар доим ҳам жавоб бера олмайди.

Хулоса. Шундай қилиб, бир тилда яратилган терминологик бирликларни бошқа тилларда ҳар қандай таржима усуллари воситасида қайта яратилишида қисман аслиятга хос жиҳатлар сақланиб қолсада, лекин уларнинг аслига нисбатан маълум даражадаги йўқотишларни ҳам юз бериши табиий.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Реформатский А.А. Введение в языкознание. – М. Наука, 1955. – 80 с.
2. Калинин А.В. Лексика русского языка. – МГУ, 1971. – 135 с.
3. Бурдин С.М. Вопросы терминологии. М.: Просвещение, 1959. – 107 с.;
Моисеев А.И. О языковой природе термина. // Лингвистические проблемы научно-

“O‘ZBEKISTONDAGI ILMIY YANGILIKLAR JURNALI”

25-Iyun, 2025-yil

технической терминологии. М.: Наука, 1970.-135с.; Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М.: Книга по Требованию, 1966. – С. 11-12.

4. Щеглова Н.А. К вопросу о грамматических средствах терминологизации русских глаголов в профессиональной речи 17-18 вв // Ученые записки, 38 т. – М.: МОПИ (Московский областной педагогический институт), 1963. – 89 с.

5. Усмонов С. Ўзбек терминологиясининг баъзи масалалари. – Т.: Ўқитувчи, 1968, – Б. 32.

6. Иҳтиёр Базаров. Лингвотаълимшуносликка оид терминларнинг лексик-морфологик ва лексик-семантик тузилишига қўра таснифи.- American journal of education and learning.- ISSN: 2996-5128 (online) - Volume-3| Issue-6| 2025 Published: |30-06-2025 стр - 900-912

7. Даниленко В.П. Терминологизация разных частей речи (термины-глаголы) // Проблемы языка науки и техники. – М. Наука, 1970. – С 40-50.